

ЎЗБЕКИСТОН – БАХТЛИЛАР МАМЛАКАТИ

А.Курбанов – “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори

Мустақиллик биз учун – бу ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, бекиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш демакдир.

*Ислом Каримов -
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

24 йил... Ана шу қисқа даврда дунё ҳам-жамиятида ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистонимизда асрларга таътигулик ишлар амалга оширилди, десак муболага бўлмайди. Мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг қайси жабҳасига эътибор бермайлик, бугун кечагидан-да буюк ва хайрли ишларга қўл урилаётгани, унинг натижалари эса залворли эканлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон аслида истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўз тараққиёт йўлини Юртбошимизнинг ривожланишнинг беш тамойили асосида белгилаб олган эди. Мамлакатда хусусий мулкчиликнинг йўлга қўйилиши, қулай ишбилармонлик муҳитининг босқичма-босқич яратилгани, фермерлик ҳаракатининг ривожлантирилгани бу юртнинг келажак йўлини белгилаб берди.

Республикаимизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларини халқаро доирада мустақил давлат идораси сифатида қайта ташкил этиш мақсадида 1992 йили Ҳукуматимизнинг

“Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш” тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарор тармоққа замонавий ўлчаш ва синов жиҳозлари, ускуналарини жалб этиш, дунё ҳамжамиятида бу борада етук ўринга эга бўлишга асос яратди. Шу тариқа тармоқни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиришлар киритилди. “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Тизим ташкилотларига билимли, тажрибали, хорижий тилларда эркин сўзлай оладиган ёш мутахассисларнинг жалб этилаётгани эса соҳага муносиб ўринбосарлар кириб келаётганини кўрсатмоқда.

Айниқса, агентлик таркибидаги синов лабораторияларини жиҳозланаётгани, модернизация қилинаётгани тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини аниқ баҳолаш имконини берапти. Республикаимиздаги маҳаллий ва қўшма корхоналарда ИСО 9001 “Сифатни бошқариш тизимлари” жорий этилаётгани эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб жой олишига замин яратаяпти. Мустақиллик йилларида “Ўзстандарт” агентлиги кўплаб халқаро ташкилотлар билан, дунёдаги бир қатор ташкилотлар эса агентлигимиз билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Масалан, ИСО-Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, OIML-Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти, ILAC-Халқаро лаборатория аккредитация ҳамкорлиги, КОOMET-Евро-Осиё миллий мет-





рология институтлари ҳамкорлиги, МАС-Стандартлаштириш бўйича минтақалараро уюшма, МГС-Давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш кенгашлари, Корея Республикасининг KOICA ташкилотлари билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу йил истиқлолимиз яна бир ёшга улгайди. Тарих зарварақларидан жой олган 24 йил Ўзбекистонимиз, аввало унинг аҳолиси турмуши фаровонлиги учун оламшумул, асрларга татигўлик ишлар амалга оширилгани билан аҳамиятлидир. Колумбия университети олимлари (АҚШ) томонидан эълон қилинган “Дунёнинг энг бахтлилари рўйхати”да жаҳондаги 158 давлат орасида Ўзбекистон 44-ўринни (2013 йилда 60 ўрин), МДХ давлатлари орасида эса энг яхши ўринни эгаллади. Эътибор беринг, айти шу рейтингда Молдова 52, Қозоғистон 54, Литва 56, Белорусь 59, Россия 64, Қирғизистон 77, Тожикистон 106, Украина 111 ўринларни эгаллаган.

Тинчлик, тотувлик, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш аслида ота-боболаримизга хос фазилат. Бугун ҳам ана шу аънаналар давом эттирилган ҳолда юртимиз ана шун-

дай нуфузга сазовор бўлмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда кеча ҳам, бугун ҳам улкан қурилишлар, йирик бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган энг йирик инвестицион лойиҳа Устюртдаги Сургил нефт ва газ кони бизнинг юртимизда эканлиги ҳам ҳар биримизда фахр уйғотади. Яна бир йирик лойиҳа - жаннатмакон юртимизнинг “белбоғи” дея таъриф берилаётган Ангрен-Поп темир йўли қурилиши келгуси йил фойдаланишга топширилади. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бу каби ишларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати билан бунёд этилаётганини тақрор ва тақрор таъкидлаш ўринлидир.

Ҳа, Ўзбекистонимизнинг аҳил ва иноқ халқи эришган энг муҳим неъмат – тинчлик ва барқарорлик туфайли ана шундай оламшумул ишлар қисқа муддатларда амалга оширилди. Кўз тегмасин, кўз ҳам ўрганиб қолди бундай ютуқларни кўравериб, эшитавериб. Буларнинг барчасининг замирида дунё иқтисодчилари орасида “Ўзбек модели” номи билан машҳур бўлган мамлакатни ривожлантиришнинг ишончли стратегияси ҳам истиқлолимиз номи билан ўрганилмоқда, ўрناк олинмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, Мустақиллик, истиқлол деган улуғ неъмат аввало халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий мафкурамиз, қадр – қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир.

Қалбларимизда гурур ва ифтихор, мағрурлик туйғуларини жо этган ана шу сана – Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами барчамизга муборак бўлсин, азиз Ватандошлар, қадрли ҳамкасблар!

ХАБАРЛАР

2015 йилнинг 1-ярим йили натижаларига кўра “Ўзстандарт” агентлиги тизими корхоналарининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,8 фоизни, жумладан синов ва сертификатлаштириш марказлари бўйича 132,1 фоизни, Метрология хизматлари кўрсатиш маркази бўйича 139,1 фоизни, Ахборот-маълумот маркази бўйича 111,7 фоизни, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти бўйича 115 фоизни, Штрихли кодлаш маркази бўйича 105,1 фоизни, Миллий эталонлар маркази бўйича 116,4 ҳамда Стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бўйича 107 фоизни ташкил этди.